



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
CHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 39 (4541)
2019 ЙИЛ 15 СЕНТЯБРЬ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Хурматли фестивал иштирокчилари!

Мухтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Авалло, сизларни сўлим ва мафтункор Фарғона водийсида, қадимий ва гўзал Қўқон шаҳрида қутлашдан бағоят мамнунман.

Барчангизни ЮНЕСКО раҳнамолигида ўтказилаётган биринчи Халқаро хунарандчилик фестивалининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Жаҳон хунарандлар кенгаши президенти, хурматли Роза Гринлис хонимга анжуманимизда шахсан иштирок этаётгани учун самимий миннатдорлик билдиришга рухсат этгайсиз.

Фестивалимизга таширф бўлган Россия Федерацияси маданият вазири Владимир Мединскийни, Қозғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Актўти Раимқуловани, Туркменистон маданият вазири Атагелди Шамуратовни, Тожикистон Республикаси маданият вазири Шамсиддин Ўрумбековдани, Озарбайжон Республикаси маданият вазири Абдулфас Гараевни, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот ва туризм вазири Азамат Жаманқуловни, Беларусь Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Наталья Карчевскаяни, Арманистон Республикаси таълим, фан, маданият ва спорт вазирининг ўринбосари Нарина Хачатуряни чин дилдан қутлаймиз.

Бундан ташқари, Хитой санъат ва хунарандчилик уюшмаси президенти Ху Няншага, Хиндистоннинг Харяна штати туризм вазири ўринбосари Вижай Вардханга, Малайзия халқ амалий санъатини ривожлантириш корпорацияси бош директори Ёнчик Ибрагим бин Исмоилга, шунингдек, ЮНЕСКОнинг юқори мартабали вакиллари ҳамда Жаҳон хунарандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани, Америка ва Африка минтақалари бўйича раҳбарларига самимий миннатдорлик билдирамиз.

Давраимизда хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари чин қалб билан қўқонда бўлишга қўлдош берилган.

Фестивалимизда дунёнинг 78 та давлатидан 370 дан зиёд мохир хунаранд, танikli маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этмоқда.

Барчангизни чин юракдан қутлаб, Ўзбекистонга, ушбу анжуманга бўлган катта ҳурмат ва эътиборингиз учун ташаккур изҳор этаман.

Хурматли фестивал иштирокчилари!

Маълумки, умумибашари маданиятнинг ажралмас қисми бўлган халқ амалий санъати дунёдаги ҳар бир халқ ҳаётида, унинг турмуш тарзи ва қадриятлари ривожига алоҳида ўрин тутadi.

Инсониятнинг онгли ҳаётида хунарандчиликнинг пайдо бўлиши — бу цивилизация сари ташланган энг муҳим тарихий кадам, десак, ҳақиқатини айтган бўлмас.

Башариат фахри бўлган буюк шахарлар, меъморий обидлар, тарихий ва археологик ёдгорликлар, минглаб музейлардаги нодир экспонатлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ҳаммамизга аёнки, халқ амалий санъати — бу аввало, табиат билан уйғун бўлиб, табиатдан завок ва илҳом олиб, бетакрор ижод намунасини яратишдир.

Ўзингиз тасаввур қилинг, оддий қора туپроқдан, бир бўлак темир ёки ёғоч парчасидан ноёб ва гўзал буюмлар яратиш, табиёр жонз бўлса, уларга “жону тил” бағишлаш учун хунарандга нафакат машаққатли қўл меҳнати, балки қалб ҳарорати керак. Нозик дил ва маҳорат, сабр-тоқат, энг муҳими, ўз касбияга чекисиз меҳр ва садоқат, фидойилик керак.

Шу билан бирга, чинакам хунаранд соҳиб — у кулол бўладими, қандакор ёки тўқувчи бўладими, наққош ёки заргар бўладими — ўз ишини аъло даражада бажариш учун жуда кўп илмлардан, аввало, кимё, биология, тиб-

биёт, физика, геометрия, астрономия, тарих, фалсафа каби фанлардан ҳардор бўлиши, уларни амалда қўлай билиши зарур.

Шу борада биргина мисол келтирмоқчиман.

Бутун дунёга машҳур бўлган миллий қаштачилик санъатимиз, қадимий сўзанабаримиздаги сирли, мўъжизали, илоҳий нақшлар, ранглар жиҳоси замирида фалкиёт илми, космогоник тасаввурлар мужассам экани ҳар қандай одамни ҳам ҳайратга солади.

Халқимиз азалдан ўз касбининг чинакам фидойисини бўлган мохир хунарандларни “уста” ва “устозода” деган номлар билан улуғлаб, эъзозлаб келади.

Шу ўринда буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг “Хунаранд шундай тулпорки, унга минган киши албатта ҳурмат-эътибор тоғай ва саодат манзилга етгай”, деган ҳикматли сўзларини эслаб ўтишни жоиз, деб биламан.

Келгуси йили таваллудининг 700 йиллиги нишонланган бу табаррук зот нафакат азиз-авлиё, аввало, ўзлари ҳам етук хунаранд, аҳли хунаранд пири бўлганлар. Бу улуг сиймонинг “Дилинг — Оллоҳда, қўлинг — меҳнатда бўлсин” деган эзу даъватига амал қилиб, юртимиздаги минг-минг хунарандлар ўзларининг машаққатли, ҳалол меҳнати, инсоний фазилатлари билан халқимизга, ёшларимизга ибрат ва намуна бўлиб келмоқдалар.

Айни вақтда бутунги глобаллашув ва юксак технологиялар асрида халқ амалий санъатига шунчаки ўтмиш ёлгорлиги сифатида беписанд қараш ҳолатлари ҳам, афсуски, учраб турибди. Агар бу нодир санъатни давлат ва жамият томонидан кенг қўллаб-қувватламас эканмиз, эртага кеч бўлади — хунарандчилик соҳаси бутунги даврнинг кескин рақобатига бардош беролмайд.

Шу маънода, жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойликни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги саъй-ҳаракат ва имкониятларимизни бирлаштиришда мана шундай халқаро анжуманларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсид.

Ўзбекистонда хунарандлар меҳнатини қадрлаш, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун тегишли ҳуқуқий асос, имконият ва имтиёзлар яратиб берилмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилаш, ўз саъйларига минглаб устalarни бирлаштирган “Хунаранд” уюшмаси фаолият кўрсатмоқда.

Бухоролик машҳур зардўз Мўясар Темирова, самарқандлик таъмирчи уста Мирмар Асқодов, фарғоналик ёғоч ўймақори Абдуғани Абдуллаев каби юртдошларимиз мамлакатимизнинг энг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлгани ушбу соҳа вакилларининг шарафли меҳнатига юксак эътибор ифодасидир.

Биз фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, уларнинг замонавий билимлар билан бирга, халқ амалий санъати сирларини ҳам пухта эгаллаш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқдамиз. Республикаимиз пойтахти ва жойларда ушбу йўналишда ўнлаб фестивал ва ярмаркалар, савдо кўргазмалари, кўрик-танловлар ўтказилмоқда, ёшлар учун хунарандчилик мактаблари ташкил этилмоқда. Энг муҳими, бу соҳа вакиллари мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, туризмни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Биз тарихимиз, миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган, қадимий ва бой анъаналарга эга хунарандчилик соҳасини ривожлантиришда янада катта эътибор берамиз. Бу борада мазкур халқаро фестивал давомида ўртага ташланган амалий фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар, ҳеч шубҳасиз, муҳим аҳамият касб этади.

Қадри дўстлар!

Ўзбекистонда илк бор ўтказилаётган Халқаро хунарандчилик фестивали учун айнан Қўқон шаҳри танлангани албатта, бежиз эмас. Буюк ипак йўли чорраҳасида

жойлашган бу қадимий шаҳар ҳақида равишда “олтин водий” деб ном олган гўзал Фарғона водийсининг гавҳаридир.

Икки минг йиллик шонли тарихга, сўлим табиатга эга, қанча-қанча буюк воқеаларга гувоҳ бўлган Қўқонда латиф миллий давлатчилик, илму хунаранд, санъат ва адабиёт раванқининг ёрқин тимсолидир.

Қўқон Фарғона замини жаҳон илм-фани ва маданиятига Аҳмад Фарғоний, Бурхонуддин Марғиновий, Захриддин Мухаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Амирий ва Нодирбеғим, Жаҳон отин Увайсий, Мавлоно Муқимий, Зокиржон Фуркат каби ўнлаб мутафаккир зотларни, улуг шоир ва адибларни, Қодиржон Ҳайдаров сингари машҳур хунарандчиларни етказиб бергани билан ҳар қанча фахрланасан арзийди.

Биргина мана шу Фарғона вилоятининг ўзида миллий хунарандчиликнинг қандай машҳур брендлари бор. Бу ҳақда гапирганда, Марғиловнинг қамалакдек товланган машҳур атлас ва адрасларини, Риштоннинг бетакрор кулолчилик санъатини, Қўқоннинг ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик мактабларини, ўйламанки, ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ.

Бутунги кунда бутун юртимиз, бутун Фарғона вилояти каби Қўқон шаҳри, унинг қиёфаси ҳам тубдан ўзгариб, ҳар томонлама обод бўлиб, мамлакатимизнинг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланмоқда.

Хабарингиз бор, ушбу фестивал арафасида шаҳар ҳаётида яна бир муҳим воқеа юз берди. Жаҳон хунарандлар кенгаши томонидан Қўқон шаҳрига “Жаҳон хунарандлари машҳур атлас ва адрасларини, Риштоннинг бетакрор кулолчилик санъатини, Қўқоннинг ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик мактабларини, ўйламанки, ортиқча таърифлаб ўтиришнинг ҳолати йўқ.” деган юксак унвон берилди. Яъни, Қўқон шаҳри дунё хунарандчилик ҳаритасида ҳам муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Қўқон шаҳри Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида биринчи бўлиб ушбу рўйхатга киритилганини биз мамлакатимизда халқ амалий санъатини ривожлантиришга қаратилган ишларимизга халқаро миқёсда берилган катта баҳо, деб қабул қиламиз.

Кўни кеча Жаҳон хунарандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани минтақаси президенти Гада Хижобий Қадумий хоним Қўқон шаҳрига ана шу гувоҳномани тантанали равишда топширди.

Мана шу қувончли айёмда муҳтарам Қўқон аҳлини, бутун Ўзбекистон хунарандларини ана шундай юксак эътироф билан чин дилдан табриқлайман.

Бундай улкан эътибор учун Жаҳон хунарандлар кенгаши ва унинг президенти, хурматли Роза Гринлис хонимга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Ушбу халқаро фестивал нафакат кўпмиллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунарандлари, бутун дунё устalarининг катта байрами, десак, тўғри бўлади.

Бу — олис тарих ва бутунги замон нафасини, турли қадрият ва анъаналарни ўзида яққол намойиш этадиган, муштарак дилларни бирлаштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжуманидир.

Аминманки, дунёда тинчлик ва ҳамжихатликни, гўзаллик ва нафосатни тарғиб этадиган бу фестивал жаҳон майдонида албатта ўзининг муносиб ўрни топади.

Барчангизни меҳмондўст ва саховатли Ўзбекистон заминидан яна бир бор чин юракдан қутлайман.

Ушбу анжумани юксак савияда ўтказиш учун сидқидилдан хизмат қилган барча юртдошларимизга, меҳнаткаш, окқўнгил, бағрикенг Фарғона элига, Қўқон аҳлига самимий ташаккур билдираман.

Фестивалнинг барча қатнашчиларига, муҳтарам меҳмонларимизга сихат-саломатлик, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

INTERNATIONAL FESTIVAL
OF HANDICRAFTERS

KOKAND - 2019



ХАЛҚАРО ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚЛАР МАДАНИЯТИНИ БОҒЛОВЧИ МУҲИМ КЎПРИК



Дунёда латиф шаҳар мақомига эга ягона кент — Қўқон бугун ҳар қачонгидан-да мафтункор. Бу ерга келган киши ўзини эрталар оламига тушиб қолгандек ҳис этади. Қўқонда латиф кўҳна тарих ва замонавий тараққиётнинг мезон ва анъаналарини уйғунлаштириб, бир пайтнинг ўзида ҳам шарқона тоъфати, ҳам замонавий дунё тамаддунига ҳамоҳанг ҳашамати билан жаҳон ҳамжамиятини ўзига қаратмоқда.

Ўзбекистон — минг йиллар давомида буюк Ипак йўлида алоҳида аҳамият касб этиб келган замин. Тарихий шаҳару кишлоқларимиз кўп. Лекин Шарқу Фарбни боғловчи кўприклар, маданиятлар бирлашган масканлар орасида Фарғона водийси ўзгача ўрин тутadi.

Тарихий манбалар водийда хунарандчиликнинг жуда кўп тури, айниқса, кулолчилик, ипак ва абри матолар тўқиш, ёғоч ўймакорлиги, пичоқчилик, дўппидўзлик кенг ривожланганидан бугунги кунгача дунёнинг машҳур музейларида сақланиши уларнинг жаҳон халқлари тарихида муҳим ўрин тутишидан далolat беради.

Герхард БИРКЛ
(Германия), журналист:



— Айтиш керакки, Германия ва Ўзбекистон хунарандчилик санъати ўртасида катта фарқ бор. Бу табиий ҳол. Чунки ҳар бир халқ ўз тарихи, санъати, маданияти каби, ўз хунарандчилигига эга. Марғилов ва Риштонда бўлиб, у ерда юрагимни забт этган сополдан ишланган маҳсулотларни кўриб, бунга ишонч ҳосил қилдим. Афсуски, жомадоним битта, лекин кўриб турган ҳамма маҳсулотларни олиб кетгим келяпти. Менда, айниқса, иккита нарсаси катта таассурот қолдирди. Аввало, шаҳардан, унинг аҳолиси, халқнинг меҳмондўстлигидан, бағрикенглигидан ҳайратдаман. Қолаверса, бу ерда намойиш этилаётган Ўзбекистон ва дунё хунарандларининг фақат ўзларигагина хос бўлган маҳсулотлари ҳар қандай одамни лол қолдиради. Меҳмонларга ҳамроҳлик қилаётган ёш кузатувчиларнинг немиш ва бошқа халқлар тилларини аъло даражада билишларидан ниҳоятда таъсирландим. Хунарандчиликка ва ёшлар тарбиясига шундай жиддий эътибор билан қараётган Президентингизга катта миннатдорлик билдираман. Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ишлаши учун барча шарт-шароитларни яратиб берган фестивал ташкилотчиларига раҳмат.

ҚЎҚОН ВА МАРҒИЛОН ЯНАДА ОБОД БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 сентябрь куни Фарғона вилоятидаги “Қўқон” эркин иқтисодий зонасига таширф буурди.

Бу ерда, дастлаб, Қўқон ва Марғилон шаҳарларини комплекс ривожлантиришга хорижий инвестициялар жалб этиш бўйича янги лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Жумладан, келгуси уч йилда бу икки шаҳарга халқаро молия институтларининг 1 миллиард 354 миллион долларлик имтиёзли кредитлари йўналтирилиши режалаштирилган. Бу маблағ учта йўналишда — саноат ва тадбиркорлиқни ривожлантириш, инфратузилма объектларини модернизация қилиш ҳамда кўп қаватли уй-жойлар қуриш соҳаларида ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Қўқон шаҳрида саноат ва тадбиркорлиқни ривожлантириш мақсадида 510 миллион доллар миқдорида маблағлар жалб этилиши режалаштирилган. Шунингдек, кишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 63 миллион, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги лойиҳаларга 31 миллион доллар маблағ йўналтирилади. Шаҳарда тадбиркорларга молиявий қўмақлаштириш дастури доирасида халқаро молия муассасаларининг 500 миллион долларлик инвестициялари ўзлаштирилади.

Шаҳарда инфратузилма объектларини ривожлантиришга 124 миллион доллар маблағ йўналтирилиши мўлжалланмоқда. Ушбу маблағлар ҳисобидан ичимлик ва оқова сув тармоқлари, иссиқлик тизими, автомобиль йўллари, модернизация қилиш, шунингдек, электр ва газ тармоқларини янгилаш бўйича жами 90 та лойиҳа амалга оширилади.

Уй-жой фондини ривожлантириш учун 220 миллион доллар миқдорида инвестициялар жалб этилиб, 9 қаватли 17 та, 12 қаватли 36 та, 16 қаватли 65 та уй-жой барпо этилади.

Марғилон шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 300 миллион доллар маблағ йўналтирилади. Саноат, кишлоқ хў-

жалиги, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига бериладиган маблағлар шаҳарда янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини янада яхшилаш имконини яратadi.

Марғилонда инфратузилмани ривожлантириш учун 87,6 миллион доллар, уй-жойлар қурилишига 110 миллион доллар маблағ сарфланади. Яқин йилларда ушбу шаҳарда 9 қаватли 12 та, 12 қаватли 54 та, 16 қаватли 16 та турар-жой барпо этилиб, аҳолининг эҳтиёжи тўлиқ таъминланади. Шу тариқа иккала шаҳарда ўзига хос янги шаҳарчалар кад ростлайди.

ХАЛҚАРО ХУНАРМАНДЧИЛИК ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚЛАР МАДАНИЯТИНИ БОҒЛОВЧИ МУҲИМ КЎПРИК

Бошланиши 1-саҳифада

Шундай омиллар сабаб бўлса керак, бу ноб санъатнинг кўлаб йўналишларида самарали фаолият кўрсатганлар, уларга издош ва ворис бўлган истеъдодли хунармандлар доимо эл-юрт орасида ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлиб, "уста", "устозода" деган шарафли номлар билан эъзланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий маданиятимизнинг барча соҳалари катори хунармандчиликни, унинг анъана ва мактабларини тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги йилларда ана шу бой маданий меросимизни асраб-авайлаш, халқ бадий ва амалий санъатини янада ривожлантириш, бу борада тарихий анъаналарни изчил давом эттириб келаётган моҳир усталарнинг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида тегишли фармон ва қарорлар қабул қилиниб, уларга янги имконият ва имтиёзлар яратилди.

Бундай амалий сай-ҳаракатлар натижасида юртимизда миллий хунармандчилик санъати жадал ривожланмоқда. Мисол учун, 2017 йилгача "Хунарманд" уюшмасининг 10 мингга яқин аъзоси бўлган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони қарийб уч баробар кўпайди.

Хунармандчилик янги иш ўринлари ташкил қилиш, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш, туризмни ривожлантириш борасида ҳам катта имкониятлар манбаи ҳисобланади. Шу боис юртимизнинг барча ҳудудларидан ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилган манзили дастурлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йили хунармандчилик ривожига йўналирилган лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш орқали 40 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, мамлакатимиз бўйлаб ташкил этилган 5 мингдан зиёд "Уста-шогирд" мактабига 23 мингдан ортиқ йигит-қизга касб сирлари ўргатилди.

Бугун кўли гул уста ва устозодалар халқ хунармандчилигининг турли соҳаларида қадимий анъаналарни замонавий тажриба ва янгиликлар билан уйғунлаштирган ҳолда катта ютуқ ва натижаларни қўлга киритмоқда. Миллий хунармандчилик ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, иқтисодий шогирдлар тарбиялаб, ўз ижодий мактабини яратган заҳматқаш усталар рағбатлантирилиб, уларнинг меҳнати алоҳида эътироф этилаётган. Жумладан, юзлаб уста ва хунармандлар давлатимизнинг юксак мукофотлари – фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Хунармандчилик халқимиз кундалик ҳаётидан тобора мустақкам ўрин эгалламоқда. Бу йил Ўзбекистонда илк бор ташкил этилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали учун Кўкон шаҳри танлангани ҳам бежиз эмас. Кўкон шаҳрининг кўр-кига кўрк кўшиб турган Худойёрхон Ўрдасининг ноб меъморий безаклари ва таровати ҳеч бир инсонни хайратга солмай қўймайди. Ундан қадим Шарқнинг сирли нафаси уфуриб туради. Ушбу қадимий ва гўзал шаҳар моҳир хунармандлар маскани, халқ бадий ва амалий санъатининг маркази сифатида дунёга маълум машҳур.

14 сентябрь. Кўкон, Ўрда майдони, соат 18.30.

Майдон марказида қурилган, фестиваль руҳига ҳамоҳанг безатилган амфитеатрга минглаб нигоҳлар қадалган. Биринчи Халқаро хунармандчилик фестивалининг очилиш маросимига йиғилган одамларнинг чехрасидаги мамнулик, хурсандчилик диллардан дилларга кўчаётгандек гўё. Улар орасида анжуман катнашчилари ва меҳмонлари, таниқли маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, чет эллик ва маҳаллий журналистлар, сайёҳлар бор.

Фестиваль иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни қарсақлар билан қутиб олади.



Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга берилади.

Давлатимиз раҳбари Халқаро хунармандчилик фестивали иштирокчилари ва меҳмонларни самимий қутлаб, жаҳон халқ амалий санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, бу бебаҳо бойлиқни келгуси авлодларга безавол етказиш, бу йўлдаги сай-ҳаракат ва имкониятларни бирлаштиришда мазкур халқаро анжуманининг аҳамияти бекиёс эканини таъкидлаб, анжуман катнашчиларига ижодий муваффақиятлар тилади.

Тадбирда сўзга чиққан Жаҳон хунармандлар кенгаши (ЖХК) президенти Роза Гринлис хоним Ўзбекистонда маданият ва санъатни ривожлантириш, айниқса, хунармандчиликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, биринчи бор ўтказилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали ана шу сай-ҳаракатларнинг юксак намунаси эканини қайд этди.

ЖХК томонидан Кўкон шаҳрига "Жаҳон хунармандлари шаҳри" макоми берилиши бежиз эмас. Бу унвон 2014 йилда таъсис этилган бўлиб, шу кунгача унга 16 давлатнинг 36 шахри сазовор бўлган. Кўкон шаҳри МДХ мамлакатлари шаҳарлари орасида биринчи бўлиб шу қатордан жой олди. Шунингдек, "Хунарманд" уюшмаси жорий йилда мазкур ташкилотга аъзо бўлди. Мамлакатимизда миллий хунармандчиликни ривожлантириш борасидаги сай-ҳаракатлар самарадорлиги халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилганининг белгиси бўлди бу воқеалар.

ЖХК 1964 йилда Бельгияда нодавлат нотижорат ташкилот сифатида тузилган бўлиб, бой маданий меросни асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун семинарлар, конференциялар, кўргазмалар ўтказиш орқали бутун дунёда хунармандчилик ташкилотларини қўллаб-қувватлайди.

ЖХК билан ҳамкорликда Кўконга "Жаҳон хунармандлари шаҳри" макомини бериш борасидаги сай-ҳаракатлар доирасида ташкилотнинг ўрганиш хайъати аъзолари шаҳардаги миллий хунармандчилик мактабларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан бевосита танишди.

Фарғонада хунармандчиликнинг барча йўналишлари бўйича 4 мингдан ортиқ устaxonа фаолият юритмоқда. Улар орасида ўз мактабига эга сулодалар, халқаро кўргазма ва фестиваллар совриндорлари, давлат мукофотлари соҳиблари бор.

Кўкон хунармандчилиги ўзига хос тарихи, услуб ва анъаналарига эга бўлиб, бу ерда унинг 30 га яқин тури кенг ривожланган. 400 нафар хунарманд ота-боболаридан мерос қасбнинг авлоддан авлодга ўтишини таъминламоқда.

Шаҳар марказидаги салобатли майдон узра ёқимли кўй таралади. Бу оҳанг қалбларга сингиб, кўнглининг нозик торларини чертади. Юракларга ҳаяжон, завқ солади. Бу куй сеҳри, нозли оҳанг шавки, мусика қудратининг амалдаги ифодасидир.

Халқаро хунармандчилик фестивали-

нинг очилиш маросимидаги мумтоз ашулалар, фольклор, жаҳон мусика ва қўшиқчилик санъатининг нодир намуналари, дилбар рақслар дилларни жўш урдилади. Томошабинлар юракка яқин қўшиқларга жўр бўлади, шўх куй-наволардан завқланишиб, рақсга тушади.

– Бутун Ўзбекистон дёрида жуда катта байрам, – дейди АҚШлик мартабали меҳмон Кэрл Роберсон Лопес хоним. – Қадимий ва навқирон Кўкон шаҳрида илк бор ўтказилаётган Халқаро хунармандчилик фестивали катта шодиена билан нишонланмоқда. Бу талбир бутун дунёдаги кўли гул хунармандларни бир жойга жамлаб, халқларнинг номодий меросини тарғиб этиш ва халқаро дўстлик алоқаларини мустақкамлашга хизмат қилиши билан катта аҳамиятга эга. Президент Шавкат Мирзиёев ушбу халқаро фестиваль нафақат кўп миллатли Ўзбекистон халқи, балки жаҳон хунармандлари, бутун дунё усталарининг катта байрами эканини таъкидлади. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Фестиваль турли қадрият ва анъаналарни ўзида яққол намойён этаётган, муштарак дилларни бирлаштирадиган чинакам дўстлик ва ҳамкорлик анжумани бўлди.

Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро хунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда номодий меросни асраб-авай-



лашга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалий ифодаси бўлди. Мазкур талбирнинг Кўкон шаҳрида ўтказилиши фарғоналикларни беҳад мамнун қилмоқда. Биринчи бор ўтказилаётган бу байрам кенг миқёсда бўлиб, унда 78 мамлакатдан давлат ва жамоат арбоблари, устозода хунармандлар, халқ амалий санъати усталари, мутахассислар, соҳа олимлари, фахрий меҳмонлар, маданият ва санъат намояндлари иштирок этмоқда.

Халқаро хунармандчилик фестивалига тайёрларлик жараёнида Кўконда кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, замонавий меҳмонхоналар, уй-меҳмонхоналар, хизмат кўрсатиш шохобчалари, маданий-маърифий мажмуалар, савдо комплекслари, кўнгилочар масканлар барпо этилди. Тарихий зияратгоҳлар, кўчалар, бино-иншоотларда капитал таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шу тарика кўҳна кент бугун тўлиқ янгиликка киёфа касб этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, Маданият вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Бадий академия, Ўзувчилар уюшмаси, Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ишлаб чиқилган фестиваль дастури ранг-баранглиги, маданий-маърифий ва кўнгилочар тадбирларга бойлиги билан ажралиб туради.

Фестиваль доирасидаги "Kokand fashion" мода ҳафталигида хорижий ва маҳаллий ҳамда Кўкон шаҳрининг ёш дизайнерлари ўз ижод намуналарини намойиш этди. Эрталабдан хорижий меҳмонлар шаҳар бўйлаб қўлларига ўз давлатлари, маҳаллий аҳоли эса Ўзбекистон


байроғини кўтарганча тантанали юрди. Туркiston кўчасидан Худойёрхон Ўрдаси йўналишида ҳаракатланган байрам иштирокчилари минглаб юртдошларимиз томонидан олқишлар билан қарши олинди. Қизиқчилар, жарчилар ва хон саройи аъёнлари либосини кийган актёрлар жамоаси иштирокчиларга ўзгача кайфият бағишлади. Ўрда фестивалининг асосий майдонига айланди. Халқ сайллари, дорбозларнинг чиқишлари, фольклор жамоалари, вилоятлар маданият бошқармалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари барчани байрамга қорлади.

"Осиё-Тинч океани минтақасидаги хунарларнинг онлайн-энциклопедияси. Анъанавий қўл меҳнати буюмлари" лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди. Жаҳон хунармандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани минтақаси президенти Гада Хидобий Кадумий хоним раҳбарлигида ишлаб чиқилган мазкур онлайн-энциклопедияда ушбу минтақадagi 50 давлатнинг хунармандчилиги тарихи, ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумот берилган. Унинг таъкидлашича, ушбу лойиҳа маданиятлараро мулоқотни фаоллаштириш, халқларни бир-бирига танитиш, шу тарика дўстлик, ҳамжиҳатлик ва тинчликни мустақкамлашга хизмат қилади.

"Хунармандчилик ва халқ амалий санъатини ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда 30 дан зиёд давлатдан олимлар, мутахассислар, мартабали фахрий меҳмонлар, маданият ва туризм соҳаси намояндлари, юртимизда ва хорижда фаолият кўрсатаётган хунармандчилик ва амалий санъат йўналишидаги олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар, санъатшунослар, музейшунослар, хунармандлар иштирок этди.

Маҳаллий ва хорижий хунармандлар маҳсулотларининг кўргазма савдоси, халқ сайллари, кўнчирокбозлик, дорбозлар ва фольклор жамоалари, вилоятлар маданият бошқармалари томонидан тайёрланган концерт дастурлари, ош танловлари, маҳорат дарслари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Фестиваль иштирокчилари моҳир қулолдар шаҳри – Риштон ҳамда ипак ва абрли матолар ишлаб чиқарувчи хунармандлар шаҳри – қадим Марғилонга саёҳат қилди.



Халқаро хунармандчилик фестивали доирасида замонавий ўзбек миллий хунармандчилиги ва амалий санъатига, хунармандлар ижодига бағишланган "Ўзбекистон хунармандчилиги дурдоналари" китоб-альбому тақдими, "Риштоннинг мовий афсонаси" номли қулолчилик маҳсулотлари кўргазмаси ҳамда хунармандлар кўр-китанови ўтказилди. Унинг ғолиблик ташкилий қўмита томонидан дипломи, хайкалча ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Тантанали маросим юртимиз санъат усталари, ёш ижрочиларнинг шўх куй-қўшиқлари билан давом этди. Кўкон осмони узра порлаган мушаклар дилларга қувонч, қалбларга шодумонлик бағишлади.

Анжуман ўтказиладиган майдон атрофи байрамга безатилган. Қорақалпоғистон ва барча вилоятлардан, шунингдек, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон каби қўшни давлатлар ҳамда бошқа хорижий мамлакатлардан келган хунармандлар буюмлари кўргазмаси ташкил этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев очилиш маросимидан сўнг ушбу маҳсулотларни кўздан кечирди, хунармандлар билан суҳбатлашди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ушбу фестиваль нафақат кўп миллатли ватандошларимиз, балки бутунжаҳон хунармандларининг ҳам байрамидир. Зеро, фестиваль қўламининг кенглиги унинг жаҳон халқларини, маданиятларни боғловчи муҳим кўприк бўлишидан далolatдир.

Алоудин ҒАФФОРОВ,
Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ
ЎЗА маҳсул муҳбирлари



ЖАҲОН ХУНАРМАНДАЛАРИ ШАҲРИДА ШОДИЕНА

Кўконда бўлиб ўтаётган Халқаро хунармандлар фестивали жаҳон аҳли диққат-эътиборини тортганда давом этмоқда. 13 сентябрь кун анжуманининг эсда қоларли воқеаларидан бири бўлиб ўтди. Бутун жаҳон хунармандлари кенгашининг Осиё-Тинч океани ҳудуди бўйича президенти доктор Гада Кудумми Кўкон шаҳар ҳокими Маъруф Усмонова қадимий Кўкон "Жаҳон хунармандлари шаҳри" деб эътироф этилган сертифицирани топишди.

Ғоят кўтаринки кайфиятда ўтган тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Абдуҳақимов, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икромов, "Хунарманд" ассоциацияси раиси У.Абдуллаев, Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси раиси Р.Исмоилов ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Бундай катта воқеани кўзларидан қувонч ёшлари билан юксак кайфиятда байрам қилган Кўкон аҳли байрамга дунёнинг турли ҳудудларидан келган юзлаб сайёҳлар ҳам шерик бўлдилар. Шаҳар шарафига осмондан ёйлаётган ранг-баранг мушаклардан қувончлари ичига сизмаётган одамлар фарзандларига байрамнинг ҳақиқий моҳиятини шундай тушунирдилар: "Катта бўлсангиз бузунги бахтнинг моҳиятига тушуниб етасизлар. Ота-боболаримиз, устоз хунармандларимизнинг асрий орзулари рўёбга чиққани учун Президентимизга катта раҳмат".

Байрам давом этмоқда.

СЎЗ — ФЕСТИВАЛЬ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хусайн ал-ДАРВЕШИ (Уммон), фестиваль қатнашчиси:

— Кўкон шаҳрининг дунё эътирофига сазовор бўлиши халқингиз, келажакка дадил олимлар билан қадим ташлаётган Президентингиз амалга ошираётган ишларга муносиб жавобдир. Агар менга шу ажойиб шаҳарда, Кўкон ёғоч ўймакорлиги мактабининг асосчиси Қодиржон Ҳайдаровнинг ҳовлисида бўлаётган хайратомуз воқеалар ҳақида сўзлаб беришса, очини, ишонмасдим. Халқнинг хурсандчилигини, байрамона кайфиятини кўриб, беихтиёр уларга қўшилиб кетасиз. Ҳақиқий байрам бўляпти. Келажакда юртингизда ўтказиладиган барча фестивалларда қатнашиш менинг орзум. Шундай гўзал, истеъдодли халққа ўз маҳсулотларимни тортиқ қилишдан бахтиёрман.

Севим ГАНЕВА (Болгария), хунарманд-уста:

— Ватанимга қайтган, бу ерда кўрган-эшитганларим ҳақида узок вақт ҳикоя қилишимга тўғри келади. Ҳамма қатнашчиларнинг таассуроти битта: ер юзининг барча хунармандларини Кўконга ўз уйига йиғилгандек жам бўлган. Очини айтишам, истеъдодли, меҳмондўст халқингиз ҳақида кўп эшитганман. Лекин айнан Кўконга келиб ўзим бунга ишонч ҳосил қилганимдан бахтиёрман. Президентингизнинг оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон ҳукумати, Кўкон, Ўзбекистон "Хунарманд" ассоциацияси бутун дунё хунармандларини ҳамкасблари даврасида жам қилди. Жуда кўплай фестивалларда бўлганман. Лекин бундай улкан тантанани ҳеч ерда кўрмаганман. Мамлакатингиз гуллаб-яшнаверсин, халқингизга ҳаминша қувонч ҳамроҳ бўлсин.


Одил бин АБДУЛ (Малайзия), хунарманд:

— Мен сопол бўйича мутахассисман. Хунармандларимизнинг юртингизга келишдан мақсади ўзбек халқининг тарихий хунарлари билан, хусусан, сопол маҳсулотлари билан машҳур бўлган қўқонликлар билан яқиндан танишишдир. Айни дамда шаҳарда бўлаётган воқеалардан ҳаяжондаман. Фестиваль кенг миқёсда ташкил этилган. Қиска вақт ичида ҳаммаёқни айланиб, кўриб чиқиш кийин, албатта. Кўкон шаҳри ва унинг ажойиб кишиларидан олган таассуротларимиз бир умр ёдимизда қолади. Барчангизга бахт-саодат, фаровонлик, улкан ютуқлар тилайман.

Дмитрий ЗАЙЦЕВ (Беларус), ёғоч маҳсулотлари устаси:

— Таассуротларим аъло! Кўргазмага қўйилган барча асарлар, айниқса, бизнинг асарларимизни намойишга қўйишга имкон яратган ўзбек устаси Бехзод Мадраимовнинг ишлари кўзни қувонтиради. Бир сўз билан фестивални таърифлайдиган бўлсам: "Кенг миқёсда анжуман". Бехзод ва унинг шогирдлари ишлаган асар юксак эътирофга лойиқ. Улар ташкил этган музейни айтмайсизми, қанчалар маҳорат билан амалга оширилган нозик ва бетакор иш бу! Хайратдан тиллар пол. Барча уста-хунармандларга омад ёр бўлсин!

Ф.ФАХРУТДИНОВА, Г.УМАРОВА



Халима Худойбердиева
номидаги Ижод
мактабида буюк адиб
Абдулла Қодирийнинг
125 йиллиги муносабати
билан адабий анжуман
бўлиб ўтди.



СИРДАРЁДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Анжуманда адабиётшунос олим ва таржумон, устоз Иброҳим Ғафуров, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон, Абдулла Қодирийнинг набираси, адабиётшунос Хондамир Қодирий, вилоят ҳокимияти вакиллари, Сирдарё вилояти Ёзувчилар уюшмаси раҳбари Ойнисо Ортиқбоева, филология фанлари доктори, профессор Равшан Махмудов, “Тасвирий Ойина” Ижодий бирлашмаси раҳбари Ҳасимжон Юнусов, таниқли шоира Баҳор Холбекова ва ёш ижодкорлар, китобсеварлар, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Дастлаб сўзга чиққан Иброҳим Ғафуров, жумладан, шундай деди:

— Мен Сирдарёга бундан уч-тўрт йил муқаддам келган эдим. Бугун Гулистонни айланиб, шаҳар ҳақиқий Гулистонга айланишининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, жонажон Ўзбекистонинининг шаҳар марказидаги “Юрт байроғи” майдонида 65 метрли яловини кўриб юратгим хаприкит кетди. Устоз Абдулла Қаҳҳор



Гулистонга келиб, шу ерда қапа кўтариб, “Шоҳи сўзана” асарини ёзганида бу ерлар бийдай дашт, шамоли одамни учуриб кетадиган чўлу биёбонлар эди. Бугун Гулистон ҳавас қилса арзийдиган шаҳарга айланибди. Айниқса, Сир-

дарёнинг фарзанди Ҳалима Худойбердиева номидаги мактабнинг очилиши, Гулистон шаҳрига зийнат бағишлабди, кўрмага кўр қўшибди. Гулистон шаҳрининг кўрагига “Адабиёт яшаса миллат яшайди” дея улуг шоиримиз Қўлпоннинг сўзлари ёзиб қўйилгани бу ерда инсон қадрини нақадар улуглашишдан далолат беради. Бугун биз нишонлашга келганимиз Абдулла Қодирийнинг 125 йиллиги шундай катта тантана, улкан шодиялар билан ўтаётгани, бу сирдарёликларнинг Қодирий бобомизга улкан муҳаббатининг нишондир. Абдулла Қодирий 20 аср ўзбек адабиётининг султони. Умид қиламанки, Ҳалима Худойбердиева

ТАДБИР

ижодий изланишларинингизга Худо ёр бўсин!

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон:

— Ҳалима Худойбердиева билан бир наприётда узоқ йиллар ишлаб, кўп бора ҳамсухбат бўлганман. У софдил, кўнгли очик, ниҳоятда меҳнаткаш ижодкор эди. Ҳалима Худойбердиева шеърини дунё шеърини майдонида ҳам энг баланд ўринларда туриши аниқ ҳақиқат. Ижод мактаби ўқувчилари ҳам юксак иқтидорли шоир ва адиб бўлиб, элга, юртга, миллатга чин дилдан хизматга шай ижодкор бўлишларини тилайман.

— Бугун Абдулла Қодирий ижодига эҳтиром ниҳоятда баландлиги нафақат биз — Қодирий авлодларини, балки адабиётимизнинг бутун дунёдаги мухлисларини беҳад хушнуд этмоқда, — деди Хондамир Қодирий. — Адиб яшаб ўтган уйда бутун кизгин бунёдкорлик ишлари кетяпти. Яқин вақтларда бу ерда Абдулла Қодирий уй-музеи иш бошлайди. Бир йилда асарлари наشري юз минг нусхадан ошгани ҳам халқимизнинг буюк адиб ижодига бўлган улкан эҳтиромидан дарак беради. Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби жамоаси ўзининг илк адабий тадбирини Абдулла Қодирий сиймосига бағишлаб, гўзал анжумани юксак савияда уюштиргани учун самимий миннатдорлик билдираман. Бу ижод мактабидан ёзувчининг бўлгуси издошлари етишиб чиқишини чин дилдан истайман.

Шундан сўнг ўқувчилар “Ўтган кунлар” романидан сахна кўринишини ижро этдилар.

Муҳаммад ИСМОИЛ,
Ҳалима Худойбердиева
номидаги
Ижод мактаби директори


УМИДГА АСОС БОР

Сўнгги пайтларда “Ўзбекино” Миллий Агентлиги буюртмаси асосида суратга олинаётган ва сифат жиҳатдан даражаси ўсиб бораётган фильмларга нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам қизиқиш кучайган. Хусусан, кўплаб халқаро кинофестивалларда ўзбек киноижодкорлари номи тез-тез тилга олинаётган табиий ҳолга айланиб қолди. Масалан, Рашид Маликов, Абдухалил Мингноров, Зулфигор Мусоқов, Жаҳонгир Аҳмедов, Умид Ҳамдамов, Шокир Холиқов каби тажрибали ва ёш режиссёрларнинг асарлари шу йилнинг ўзида бир неча бор дунё киноэкранларида намоиш қилингани ўзбек кино санъати нуфузи жаҳон киноиндустриясида муносиб ўрнини топишига умид уйғотмоқда. Айни пайтда узоқ танаффусдан сўнг ўтмишдаги буюк сиймолар тўрисида суратга олинаётган ўзбек кинофильмлари хориждан келаётган таклифномалар улар ҳақида таҳлилий фикр юритишга ундайди.

Айтиш жоизки, замонавий мавзудаги икки ёки учта фильмга сарфланган маблағ битта тарихий фильм учун (60-90 минутли) тузилган харажатлар сметасини қисман қоплаши мумкин. Шу боис, тарихий мавзудаги кинофильмларга ажратилаётган маблағлар кинога алоқадор бўлган ҳар бир шахсга катта масъулият юклайди. Шунинг таъсирида бўлса керак, бироз ҳадик, бироз иккиланган билан режиссёрларимизга таваккал топширилаётган йирик лойиҳаларнинг пировард натижаси юзасидан “Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий” бадиий фильми мисолида фикр юритишга жазм этдик.

Миллий IX асрда Мовароуннаҳрдаги юксак илм ва маърифат сабаб етишиб чиққан кўплаб ҳадиснавис олимлар катори алоҳида ўринга эга буюк муҳаддислар имом Бухорий ва имом Термизийнинг экрандаги киёфасини яратиш мураккаб ва масъулиятли вазифа эди. Сценарийнавис ва режиссёр Абдухалил Мингноров Термизий ҳақида фактологик маълумотлар жуда оз бўлганиданми ёки интуитив равишданми, сценарийнинг сюжет қурилишида тарихий-биографик ҳақиқатга эмас, маърифий-тарбиявий ғояга асосланади. Шунга кўра фильм сюжет йўналиши гўзал хулқ-атвори тараннум этувчи инсонпарварликка йўғрилган ислом дини моҳиятини ёритишга қаратилган.

“Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий” фильми сюжетни баёнчилик усулига асосланган бўлиб, фильм темпо-ритми (сюжетнинг тезлик суръати) бир маромада, сокин ривожланади. Абу Исо Муҳаммаднинг илк савод чикариш давларидан то кексайишига қадар ўтган давр камраб олинган асарда киноижодкорлар уюшган ҳолда мақсадга етишга қаратилган. Жонли сўз, мусика, табиий овозлар хикоя қилинаётган воқеликнинг объектив ва реал ифодаланишига хизмат қилган. Албатта, бунда нафақат режиссёр (А.Мингноров), оператор (А. Ариқуллов) ва актёрлар ансамбли, балки рассом (Х.Ҳабибуллаев), бастакор (Ж.Изомов), монтаж устаси (Т.Мингноров, З.Зириллаев), овоз оператори (М.Турсунқўлов) ҳамжиҳатлиги кино санъатининг синтетиклик хусусиятига кўп жиҳатдан жавоб берадиган киноасар яратилишига олиб келган.



Абдуллаев, йигитлик даврини актёр Дониёр Ҳафизов, кексалигини эса режиссёрнинг ўзи ижро этган. Актёрлар ташқи кўриниши хусусиятига кўра танлангани билан бирга, ижро техникаси, темпераментиди ҳам кескин фарқ сезилмади. Фильм фабуласи болалик, ёшлик ва кексалик даври ас этган сюжетлар қорилишидан таркиб топгани учун ҳам киёсый таҳлилда Термизийнинг болалик даври эпизодлари алоҳида акралаб туради. Бунга сабаб Абу Исо Муҳаммаднинг характерини ифодалашда сценарийни тўлдирувчи образлар, воқеалар, деталлар пухта ва ишонарли ёритилган. Ўсмирлик даврида эса ёшлик шижоати, тотли муҳаббат хислари ас этган лавҳалар эътиборни тортади.

Агар боланинг партнёрлари — ота-она, ўртоқлари, устози ва мадраса толиблари кичик актёрнинг образини тўла-тўқис очишига ёрдам берган бўлса, ўсмирлик даврида актёр ҳолатини ифодалашда Жамшид Изомов басталанган аjoyиб куй қаҳрамон кечинмаларини томошабин хис этишига ёрдам беради. Лекин баалоғат ёшига етган Термизийнинг образини янада жонлироқ ва жўшқинроқ яратиш учун актёр Дониёр Ҳафизовга сценарий бўшлик қилганини қайд этиш муҳим.

Айниқса, катта мақсад билан узоқ йўлга чиқиш лавҳалари, чўлдаги воқеалар, хорижда илм олиш каби сахналарга болалик давридаги каби ёркин, жўшқин табиатли партнёрлар етишмади. Чунки сценарийда айнан шу жиҳатлар — эҳтимом, ҳаққоний тарихий материаллар оз бўлганиданми, бўшлик ҳосил бўлган. Шу ўринда айтиш жоизки, режиссёрларга берилаётган катта иқомиятлар билан бирга, айрим чекловлар сценарийнавис ва режиссёрларнинг ижодига салбий таъсир этади. Масалан, ишлаб чиқаришга хос йиллик режа асосида иш олиб бориш тартиби режиссёрни вақт ва молиявий имкониятларини чеклайди. Бу эса биз сўз юритаётган муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Термизийнинг Имом Бухорий билан учрашиш лавҳалари ва Имом Бухорийга фильмда ажратилган лавҳалар таҳсинга лойиқлигини эътироф этишдан чўчимаемиз. Чунки ҳалим табиатли, қувваи хофизаси ўткир, нафақат ўз даврида, бутунги кунимизда ҳам мусулмон олимнинг фахри бўлган буюк олимнинг образини актёр Эгамберди Раҳимов тўғри талкин эта билган. Бунинг учун бу актёрни Имом Бухорий образига тақлиф этган ва унинг образини тўлақонли яратиши учун сценарийда кенг имконият яратган режиссёрдан миннатдор бўлишга ҳақимиз. Эътиборли жиҳати шундаки, ёш Термизий билан Имом Бухорий учрашувида икки буюк олим дунёқараши ва табиати бир-бирини тақдорламайди. Имом Бухорий юмшоқ феълли ва мулоҳазакор бўлса, Имом Термизий бироз кизиккон ва жўшқинроқ феълли билан ажралаб туради. Айнан мана шу жиҳат диний мавзуларнинг экран талқинини ифодалашда урф бўлган қолдандан томошабини узоқлаштириб, реал воқеликка яқинлаштиради.

Кинофильмда айрим жузъий хатоликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, ёш Термизий билан учрашган қароқчилар сардори вақти келиб Имом Термизийнинг муридига айланган, қароқчилар сардори билан Имом Термизий ёшидаги фарқ кескин ажралаб, Имом ўз муридидан чамаси 30 ёшлар катта бўлиб қолган. Уларнинг илк учрашувида эса қароқчилар сардори билан Абу Исо Муҳаммад ёши кичик кўринади...

Ҳозирги кунда “Абу Исо Муҳаммад Термизий” фильмига мусулмон давлатларида қизиқиш катта. Татаристон, Туркия, Малайзия мамлакатларида ўзбек киноси ва сериалини намоиш этиш учун “Ўзбекино” Миллий Агентлигига тақлифлар келиб турибди.

Шоҳида ЭШОНБОЕВА

ФИКР

“АЙЁРГИНА АЁЛЛАР ЁХУД БАХТНИНГ БОЗОРИ БОРМИ?”

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикий театрида таниқли адиб ва драматург Қўчкор Норқобил асари асосида яратилган “Айёргина аёллар ёхуд бахтнинг бозори борми?” номли мусикали комедиянинг премьераси бўлиб ўтди.



Асарни иқтидорли ёш режиссёр Достон Ҳақбердиев сахналаштирган. Куйлар Сарвар Юсупов томонидан басталанган. Асосий ролларни Ҳабибулло Ортиқов, Гулноза Саидова, Мусаллам Дадажонов, Дурдона Носирова, Асал Раҳмонова, Наргиза Шаҳובה, Нафиса Хўжакулова, Дилором Абдуалимова каби актёрлар ижро этишмоқда.

Комедияда бутунги кун муаммолари, жумладан, одамлардаги локаллик, бепарволик, турмуш иқир-чиқирларига ўралаб, мақсад ва муддаолар йўлидан олислашган айрим аёлларнинг тақдирини очиб берилган. Аёлнинг давлат ва жамиятдаги ўрни нозик инсоний кечинмалар ва драматик тўқнашувлар орқали намоён бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам аёл киши жамиятда, ҳаётда бахт ва гўзаллик, ёруғлик тимсоли бўлиб қолиши, аёллик фазилатини йўқотмаслиги кераклиги таъкидланган.

— Ушбу сахна асарида юртимизда аёлларимиз кадр-киммати нечоғли улугланаётганига, Президентимиз томонидан илгари сурилаётган катор ислохотлар замирида онла ва жамият мустаҳкамлиги, хотин-қизларимиз ҳаётига жиддий эътибор қаратиш, айниқса, юрт тараққиётининг муҳим мезони бўлган беш ташаббуснинг бирида белгиланган жиддий масала — опа-сингилларимизни иш билан таъминлаш, уларга иш ўринлари яратиб бериш каби жиҳатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган, — дейди театр директори, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов. — Спектакль томошабинларни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

АДАБИЙ-БАДИЙ НАШРЛАР

“ТЕАТР”

2019 йил, 4-сон

Журналнинг ушбу сонда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаевнинг “Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари” мақоласи берилган. Унда мамлакатимизда фаолият юритаётган театр жамоаларининг кизгин ижоди, шу соҳага оид янгиликлар, галдаги режалар ҳақида сўз юритилди.

Шаҳрибону Имомованинг “Театр ва драматургия” сарлавҳали мақоласида шу йилнинг 30-31 июль кунлари Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган “Театр ва драматургия: ютуқ ва муаммолар” мавзусидаги илмий-амалий семинар ҳақида фикр юритилди. Муҳаббат Тўлаҳўжаеванинг Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг кизгин ижодий фаолиятига бағишланган мақоласи, Жаҳонгир Маматқосимовнинг XXI аср режиссёри қандай ҳислатга эга бўлмоғи лозимлиги ҳақидаги фикрлари ўқувчиларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз. Фахридин Абдувоҳидовнинг “Параста” фестивалда янги босқичда” мақоласи, Эсонбой ўринов, Сайдали Одилов, Шохрух Абдурашуловнинг аниқ фактлар асосида ёзилган мақолалари, Қорақалпоқ давлат академик мусикали театр директори Жанабай Утепбергенов билан Муҳиба Исмаилованинг суҳбати журнал мундарижасини бойитган.

Ўзбек театр санъати ривожига муносиб ҳисса қўшаётган таниқли актёр Қаҳрамон Абдурахимовнинг ижоди билан Муҳаммадали Абдуқундузовнинг “Бухоролик “Дон Кихот” номли мақоласи орқали танишлари мумкин. У.Қурбонованинг мақоласи бетакор ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Н.Асадова, И.Галупенко, М.Абдуллаева, Ш. Дўстмуҳаммад мақолалари, “Маданият янгиликлари” руқнида берилган хабарлар ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади.



ЎЗБЕКИСТОН
АДАБИЙОТИ ВА SAN'ATI

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Хамқорларимиз:



Бош муҳаррир
ўринбосари

Бахтиёр
ҲАЙДАРОВ

Тахриратга келган қўлзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Раҳматилла БЕРДИЕВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Алади - 5690. Буюртма Г - 955.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 02.45

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2361-634X



Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40

Назм ва наср бўлими: 233-58-60